

Ўқув-семинар

Иқтисодий барқарорлик йўлида

Жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодий барқарорликка эришиш мақсадларини ўқув-семинарда муҳокамала қилинган. Қасаба уюшма ташкилотлари бу масаланинг қай жиҳатларига эътибор қаратиши кераклиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан жойларда ташкил этилаётган ўқув семинарида атрафлиқ таҳлил этилмоқда.

Андижон вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш ва бу борадаги долзарб вазифалар ечимига бағишланди. Унда барча ташкилот, муассаса ва корхона бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари раислари, тармок қасаба уюшма кенгаши ҳамда вақилли раҳбарлари иштирок этиди.

ЎзҚУФК раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Соликов йиғилишда олдинчи ўқув-семинарда қасаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ўйғунлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар ҳақида сўзлади. ЎзҚУФК раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёровнинг маърузасида инқироз оқибатларининг олдини олиш, аҳолини иш билан таъминлаш, томоққалани кенгайтириш, деҳқон ҳўжаликлари ва касаначиликни кенг йўлга қўйиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Андижон давлат университети профессори К.Юнусов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Иброҳимов ҳам долзарб мавзуда сўзлади. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири М.Исаев, У.Адилов, А.Рисқуллаев, А.Асадов, В.Кочкарор ҳамда етакчи мутахассислар С.Сафиллаев, Н.Ишанқонова меҳнатқашлар манфаатини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси қондаларига амал қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, маданий-маърифий ва спорт ишларини кўчатириш, ижтимоий сугурта маблағларидан ўринли фойдаланиш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ҳимояни кўчатириш, бандликка қўмақлаштириш ва иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишига доир масалалар бўйича чиқиш қилди.

Семинар қизгин мунозара ва саволларга бой бўлди. — Ушбу семинар фаолиятимизда дастуруламал бўлиб хизмат қилади, — дейди Андижон давлат университети бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси И.Абдуғофуров. — Маърузачиларнинг долзарб мавзудаги чиқишларида жаҳондаги молиявий инқироз шароитида қасаба уюшмалари қандай йўл тутуши кераклиги аниқ кўрсатиб ўтилди.

Шундай таъбир Наманган вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам бўлиб ўтди. Уни ЎзҚУФК раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Соликов кириш сўзи билан очди. ЎзҚУФК раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров сўзга чиқиб, «Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича инқирозга қарши дастур бажарилишига қўмақлаштириш чора-тадбирлари» мавзусида маъруза қилди.

Ўқув-семинарда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Шукрат Шукуров аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ишларга эътиборни қаратди.

— Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бугуннинг бош вазифаларидан саналади, — деди у. — Бинобарин, кейинги 3 йил ичида чорва сони 76.400 тага кўпайиб, 96.000 киши иш билан таъминланди. 29 та агрофирма ташкил этилиб, бугунги кунда улар ва аҳоли етиштириётган мева, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари ички бозорни тўлиқ таъминламоқда. 1640 та (шундан 1230 таси қишлоқларда) хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиб, 32.407 та янги иш ўрни яратилди. Биргина ўтган йили салкам 10.000 касаначи фаолият кўрсатди. Бу йил йўл-қурилиш дастури асосида 38 та объектда 104 қақирим қурилиш, реконструкция, тўлиқ ва ўрта таъмирлаш кўзда тутилган.

Меҳнатқашларнинг манфаатини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини кўчатириш, маданий-маърифий тадбирлар, ижтимоий сугурта маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиявий интизомга риоя этиш бўйича ЎзҚУФК бўлим мудири маъруза қилди.

19 — 20-май кўнлари Фарғона вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўтказилган ўқув семинари ҳам мунозара ва савол-жавобларга бой бўлди.

Анжумани ЎзҚУФК раиси Дилбар Жаҳонгирова очди ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнида қасаба уюшмалари меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги эзгу ишларини янада кўчатириши лозимлигини таъкидлади.

ЎзҚУФК раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров «Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризис оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастури бажарилишига қўмақлаштириш чора-тадбирлари» мавзусида маъруза қилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар, Фарғона политехника институти проректори Исмаилло Тўхтаров маънавий-маърифий, мафқуравий тарғибот ҳақида сўзлади.

Фарғона давлат университети социология кафедраси мудири Ф.Турғунбоев ҳамда ЎзҚУФК бўлим мудирининг маърузалари иштирокчиларнинг бу борадаги билимларини оширишга хизмат қилди.

Ўқув-семинарда 420 нафар қасаба уюшма фаоллари иштирок этиди. Анжуман қатнашчилари учун вилоятдаги ҳўнармандлар уюшмаси, тадбиркорлар ҳамда ўқув юртлири ўқувчилари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўз мухбирларимиз

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

(Боши 1-бетда)

У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўли ижтимоий сиёсат юритиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида узок муддатли муҳим дастурларни амалга оширишга устувор аҳамият берилганлигини қайд этиди.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти А. Мўхаммад Али ўз баёнотида, қўллаб-қувватлаш мақсадлари жаҳон иқтисодий инқирозининг турли кўриниш ва оқибатларига дуч келган мазкур банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий кенг қўламада ислох қилиш ва инқироз оқибатларига қарши чоралар кўриш бўйича сиёсатини тўлиқ маъқуллади. ИТБ Ўзбекистон банклари билан ҳамкорликда иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини молиявий ресурслар билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг қўллаб-қувватлашга доир амалий чоралар кўрмоқда.

Нью-Йорк штати университети профессори П.Морвик шундай деди: «Дунёнинг аксарият давлатлари тўқнаш келган иқтисодий муаммоларга қарамай, Ўзбекистон Ислом Каримов раҳбарлигида бугун иқтисодий тараққиётнинг ёрқин намунаси бўлиб, ривожланишининг оқилона ва мувозанатлашган

дастурини амалга оширмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг иқтисодий дастури бирон-бир мафқура доирасида чекланган эмас, балки иқтисодийнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб белгиланган. Президент Ислом Каримовнинг ушбу китоби иқтисодий назарияни чуқур тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш асосида яратилган ва барчамиз бунчи чуқур ўрганишимиз лозим.

Ўзбекистон катта салоҳиятга эга, сиёсий барқарорлик, қўли давлатчилик, аҳолисининг катта қисми замонавий билимларини эгаллаган ёшлардан иборатлиги, бой қимматбахў табиий ресурслар захираси ва ривожланган инфратузилмаси туфайли минтақада етакчи давлат ҳисобланади.

Унинг фикрича, базис либерал иқтисодий экспертлар илгари Ўзбекистонни саноат ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати учун танқид қилар эди. Бироқ, 1929-1933 йиллардаги улкан депрессиядан кейин биринчи марта юз берган бугунги чуқур иқтисодий инқироз даврида бу сиёсатни қўллаб-қувватлашга қўлашга интиломоқда.

«Корея-Ўзбекистон» дўстлик жамоияти раиси Ким Юн Сок Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби барча тармоқларда зарур чоралар кўришга

даъват этишини таъкидлади. «Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон иқтисоди инқироз — 1997 йилги Осий инқирози ва жорий иқтисодий инқироз пайтида ўз иқтисодийнинг барқарорлигини яққол намойён этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг барчамизни инқирозга қаршилик кўрсатиш усуллари ҳақида ўйлашга мажбур қилган ниҳоятда аҳамиятли ва муҳим китоб яратди».

Сўнгра конференция ўз ишини секциялар мажлисларида давом эттирди. Уларда дунё мамлакатлари иқтисодий учун жаҳон инқирози омиллари ва оқибатлари, глобал инқироз даврида ва ундан кейин жаҳон молия ва банк тизимини ривожлантириш муаммолари, банк-молия сектори барқарорлигини таъминлашга доир чоралар, ривожланишнинг янги иқтисодий имкониятлари омилли сифатида иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унга инновацияларни жалб этиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишнинг ижтимоий жиҳатлари ва конференция мавзусига оид бошқа долзарб масалалар муҳкама этилди.

Конференция яқунлари бўйича тайёрланган ҳулоса ва тавсияларда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг пайдо бўлиш сабаблари, хавф ва таҳдидларини чуқур ва асосли таҳлил этишининг алоҳида долзарб-

лиги, Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён этилган инқирозга қарши чораларнинг конкрет ва реалиги амалий йўналтирилгани қайд этилган.

Ислохотларнинг ўзбек моделини амалга ошириш натижасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари шуни кўрсатдики, республикамизда инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун зарур база яратилган. Ўзбекистоннинг нафақат инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича тезкор чоралар кўришга, балки инқироздан кейинги даврга ҳам қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурига дунёнинг қўллаб-қувватлари катта қизиқиш билдирмоқда.

Ушбу халқаро конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийнинг барпо этиш, кичик йиллик бозор ислохотлари ва таркибий тўб ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимиз Президентининг томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини бутун дунё эътироф этаётгани ва унга қизиқиш билдираётганини яна бир бор тасдиқлади.

(ЎзА)

Элликқалъа туманидаги «Орол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш маркази Оролбўйи минтақаси ўқувчиларининг сеvimли масканига айланган.



Оромгоҳ мавсумга тайёр



«Ақчақўл» соҳилида жойлашган мазкур марказда ҳар йили мингга яқин бола мароқли дам олиб, ўз соғлиғини тиклайди.

Марказда болаларнинг яхши дам олиши учун барча шароит яратилган бўлиб, спортнинг қўл турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Ётоқхона ва ошхона бинолари ҳам сифатли таъмирдан чиқарилган.

Суратларда: оромгоҳ директори Курбонназар Қаландаров таъмир сифатини кўздан кечирмоқда; дам олиш масканидан лавжалар.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Банк миқоз учун Намунали Хизмат

«Пахтабанк»нинг Октош филиалида қишлоқ ҳўжалигини кредитлашга катта эътибор қаратилаётир. Шунингдек, фермер ҳўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатишчи корхоналар ўртасида ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш, тўловлар интизомини мустаҳкамлаш борасида сезиларли сижишга эришилди.

Аҳоли омонатлари қўлақнинг орта боришидан ҳам миқозларнинг банк филиалига бўлган ишончини англаш мумкин. Жорий йил бошида аҳоли омонатлари қўлдиги 1.419.900.000 сўмни ташкил этган бўлса, 1 апрел ҳолатига келиб, кўрсаткич 1.481.400.000 сўмга етди. Бу — ҳудудда нақд пул айланмаси 61.500.000 сўмга кўпайди, деганидир.

— Ҳозирда 582 та корхона ва ташкилотга малакали банк хизмати кўрсатилаётир, — дейди филиал бошқарувчиси Шерзод Қобилов. — Шу йилнинг ўзида яна 36 та ҳўжалик субъекти ўз ҳисобини очди. Нақд пул айланмасида муаммолар юзага келмаслиги учун зарур чоралар кўриляпти. Миқозларга 20 та терминалда намунали хизмат кўрсатилаётир. 4023 та пластик карточка бюджет ва нобуджёт ташкилотлар ишчи-ҳодимларига тарқатилди. Йилнинг дастлабки чораги давомида терминал орқали 204,9 млн. сўмлик маблағлар айланшига эришилди.

Шунингдек, филиал ички имкониятларидан келиб чиққан қишлоқ ҳўжалик корхоналарига трактор ва зарурий эҳтиёт қисмлар сотиб олишга қўмақлашяпти. Жумладан, 77,7 млн. сўм миқдоридидаги маблағ шу йўналишга сарфланди. Ҳўжаликлардаги таъмирга муҳтож техникаларга эҳтиёт қисмлар олиш учун вилоят «Агротехсервис» корхонасига қаршили туман машина-трактор парклари ва муқобили МТПларга жами 593,3 млн. сўм миқдоридида маблағ ажратилди.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги ишлардан ҳам миқозлар хушнуд.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

...У чўпондир — етти ўлка кезади...

Маҳтумқули ва Дурди шoir айтишувидан.



ЎТҚОВ

Зоссе

Гурунглари

БИРИНЧИ БОБ

Қош қорайиб, ўтовга йиғилганимизда бош чўпон ҳар биримизни алоҳида тергайди:

— Бугун неча совлиқ кўзилади?
— Эгиз қанча тушди?
— Аллак чўпоннинг навбати келганда у ҳар кунги одатига кўра бироз каловланиб турди-да:
— Койимайсиз-да энди, йўлдош жўра, бугун бир кўзичоқнинг терисини бургут тилиб кетибди, — деди мингирлаб.

— Териси ўтадим?
— Ҳар ҳолда кўзи-ку, ҳалолладим, аммо териси ўтмайди-ёв.
— Бир туяр қонга ботган этни пеш қилаясанми, наҳот кирғийнинг бир жойида айлиниб учганини пайқамган бўлсанг, — жеркиди Даврон бобо.

— Чўмомо териб қолибман.
— Соч-соқолинг оқарибдиям, ҳамон боладексан.

Даврон бобонинг куйинганича бор, кирғийлар овга чиққанида ўлжасига бирдан чанг солмайди, осмону фалакда ҳанотларини кенг ёйганча ўткир кўзлари билан мўлжал олиб, хавф-хатар бор-йўқлигини синглайди.

Йўлдош — менинг кичик тоғам, сурувнинг бош қўйичовини, қарич ёшлигидан заранг таёқ, бўрибосар ит, юк ортилган эшагини етаклаб яйлов кезади. Аллак бобо — ўрта чўпон, тоғам билан тенкур. Даврон бобо уларнинг энг ёши улуги бўлса-да вазира жихатдан кичиги — чўлик. Эрта тонгдан тун ярмигача унга уйку ҳаром, бир қарасанг, ўзича нималар-нидир гудраниб энг шимарганча хамир тутиб гўмма (қўққа кўмиб пишириладиган чўпон нони) тайёрлаётган, ўтовни супуриб-сидираётган, чўр (қўй қумалоғи) хас-чўпларини созураётган, овқат пишираётган бўлса, кечга томон сурувдан қайтадиган қўйларга ўрнатилган қирқ қулқудан арқон боғланиб тулга қўшилган говада (ун беш - йигирма пақир атрофида сув тутадиган меш идиш) сув чиқариб новларни (қўйлар сув ичадиган тош охур) тўлдирётган бўлади. Думалоққина қорин қўйган бу иқтиггина кишининг шунча юмушни бажаришга қандай улгураётганига баъзан ҳайрон қоламан.

— Хапа бўма, соқолдош, ўзингам меровсирегансан-да, — жигибийрони чиқади тоғамнинг. — Кеча бир кўзини шоклағ олдиригандинг, бугун бу фовгани бошлаб ўтирибсан. Устибент (студент демоқчи) билан шугина болага бўғоз совлиқларни ишониб қўйибмиз, улдасидан чиқишяпти, ким сени кўп йиллик чўпон деб айтади.

Устубент — Самарқанд қишлоқ ҳўжалик олийгоҳининг амалиётчи талабаси, шугина бола — яъни мен ва тўл мавсумида хашарга келган саккизинчи синф ўқувчиси кекса одамнинг ҳали оқлаш учун баҳона қўйиб ётганини кўриб-кўрмаганга оламиз. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, кўзисиз бор қўйларни алоҳида, бўғоз совлиқларни алоҳида кўтонга қамаб, охурларга ем-хашак солишимиз, оёққа туриб кетмаган қўзиларни онасидан ажратиб қашар олдидаги қўрачга (ярим метрлар чамаси қазилиб, усти бостирилган қўлбола кўзичоқ) ташлашимиз керак. Кейин Даврон бобо ёрдамга чақиради:

— Йигитлар, бу ёққа келинглр, марриларни (кўзиси қоракўл тери учун сўйилган қўй) ушлаб турсанглр, мен соғиб олардим. Ҳўзиям жониворларнинг елини тирсиллаб тургандир. Эрталаб бир коса, бир коса қаймоқданг қаттиқча нон бўктириб инсанглр, кун бўйи имонингиз гўжумдек

бўлиб юрасизлар, хоҳласангиз оғиз қотириб бераман.

Кўй сўтидан тайёрланган қатик ҳар иккаламизнинг жону дилимиз, кун бўйи яйлов кезиб чарчаган бўлсак-да, ёрдамга шошланимиз. Даврон бобо галма-гал ушлаб келган марриларимизнинг елинини илиқ сувга чайиб соғимга киришяпти:

— Жўр-ов-в, жўр-ов-в...
Шу орада борлиқ буткул тун чодрасига ўралади, қўл-бетимизни ювиб, ўтов ичига ёзилган дастурхон атрофига йиғиламиз. Даврон бобо бир катта қарсанга (ёғоч товоқ) майдаланган гўмма устига пивёз тўраб барра шўрвани сузиб келади, иккинчисида милдираб пишган қўзи гўшти.

— Овқатланишининг уяти бўлмайди, — дейди тоғам бизларга бисмиллоҳ қилиб бераркан. — Қоринни пухта тўйдириб олинглр, кейин қўшиллар билан гулхан атрофида чойхўрлик қилишга чиқамиз.

2

Илонли бир томони Қизилқум, иккинчи томони Қорақум билан туташиб кетган кенг яйлов. Бир барҳандан ошсанг иккинчиси бошланади, бу кенгликнинг чеки-чегараси йўқдек гўё. Аммо шундай катта яйловда биттагина қудуқ бор, холос. Шу боис бизнинг қўшимиз билан ёнма-ён Мўхаммад ва Эгам чўпонлар бошлиқ отарларнинг ўтовни жойлашган, қўтон-қашарлар, ем-хашак ейдиган охурлар алоҳида-алоҳида. Улар билан кунига бир марта — тунги пайт учрашамиз. Помулқик кексаларнинг галати мақоли бор:

— Деҳқон йиғса тинар, чўпон ўлса...
Яна айтишадими:

— Деҳқон-деҳқонга йили келса, чорвадор-чорвадорга қирқ йил ўтса етишадими. Албатта, булар чорва ташвишларига қиёс бериб айтилган гап. Аммо яйлов юки у қанчалик оғир келмасин, бир ўзи қоладими, қўнчиликми, тунги пайт, осмонда юлдузлар гўжонг ўйнаган палла гулханга ўт қалаб, кумлоққа ёнбошлаганча чойдўшга (чойғумдан кичикроқ, темирчиларга махсус бюуртма бериб ясатиладиган идиш) дамланган, бироз дуд урган, бироқ хуштаём чойдан хўплаб алламаҳалгача ҳавл сурмаган, гурунгни авж олдирмаган чўпонни чўпон деб баҳолашмайди. Бежизга:

— Қишлоқдаги янгиликни чўлда юрган чўпондан, уйда ўтирган хотиндан сўра, — дейишмайди.

Овқатдан сўнг уч отар аҳли сайхонликка тўпланамиз. Қовжиран турган қараган (ўтинлик учун ишлатиладиган кўп йиллик чўл ўсимлиги) уюмига ўт қалаб, гулхан атрофида сув тўлдирилган чойдўшлар тизилади, кўп ўймақ улардан биқирлаган товуш чиқади.

— Чой дамлашга шошилма, яхши қайнасин, — дейди кимдир.
— Чўпони бўлсин-да, — маъқуллайдди бошқаси.
Чўпонни дегани идишининг ярми тўқилгунча қайнатилади, ачқик дамланган чой. Чойдўшнинг олдида тортган киши уни бирдангина сузмайди, уч бора шопириб, таъми чиксин учун устини ёпиб қўяди. Кейин даврада чой тўла пивёллар айланади. Тоғамнинг зил-замбил чойдамга (астари қўлин учун нафақат энгил-бош, балки қўрпа-тўшак ўрнини ҳам босади) ўраниб даврадагиларнинг оғзини пойлайман.

— Шу одатингиз сира қолмади-да, ака, оловни кўзгаман, — дакки беради биров саксовул бўлаги билан гулханни титқилаётган Даврон бобога.
— Чўликларга қўндоқда теккан касаллик бу.
— Бирини иккинчидан пеш бўлармиди. Туробнинг шогирди-да ҳамма-

Мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳалар билан бир қаторда суд-хукук ислохотларини амалга ошириш ҳам давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидандир. Бу ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва янгилишлардан қўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат. Бунда муқтадил суд ҳокимияти инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили эканини қайд этиш ўринлидир.

Дунёнинг ривожланган давлатлари қатори Ўзбекистонда ҳам суд кадрларини танлаш, лавозимга тавсия этиш, тайинлашнинг энг илгор ва демократик йўли танланди. Бунда асосий эътибор судьяларнинг маҳаллий ҳокимият органларидан, суд ҳокимиятининг эса ҳокимиятнинг бошқа бўғинларидан мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Эндиликда судьялик лавозимга номзодларни тавсия этиш ва уларнинг ваколатини тўғри ҳақидаги тақдирномани киритиш ваколати Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Ўзбекистон Президентини ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юклатилди. Мазкур комиссиянинг ташкил этилиши нафақат судьяликка муносиб номзодларни танлашнинг, балки муносиб номзодларни шакллантиришнинг ҳам муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари судьялик лавозими бўшаганда олий малака комиссияси кўриб чиқиши учун муқобиллик асосида, яъни битта лавозимга камидан икки-уч номзод кўрсатиши лозим. Бу эса комиссия томонидан ушбу ўринга муносиб номзодни танлаб олиш учун замин яратди. Шундан ташқари бундан унинг лавозимга номзодларни тавсия этиш яқка мансабдор шахс то-

рада турганлардан танлаб олинади. Юқорида саналган демократик принциплар судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тавсия этиш ва сайлашда бир-бири билан узвий боғлиқ, улардан бирининг бузилиши ўз-ўзидан бошқаларининг ҳам бузилишига олиб келади. Шу боис юқоридаги принциплар судьялик лавозимига номзодлар танлашда муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда қонун талабларига мувофиқ судьяликка номзодлар захираси энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малака ва тажрибали ҳуқуқшунослардан, судларнинг иштирослашувига кўра, судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан шакллантириб келинмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари судьялари малака ҳайъати томонидан судьялик

Судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш — долзарб вазифа



лавозими захирасида туриш истагида бўлган фуқароларни ҳафтанинг шанба кунларида қабул қилиш ташкил этилган. Ушбу ҳайъатга 2008 йилда 16 киши судьялик лавозимига номзодлар захирасига олишни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Шундан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди судьялигига 2 нафар, туманлараро судларнинг раислигига 12 нафар ва туманлараро судларнинг судьяси лавозимига 2 нафар номзод малака имтиҳонидан ўтказилиб захирасига олинган. Уч тоифага бўлиб ўқитиш тўғрисидаги режага асосан, ҳар ойнинг охириги шанба

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари судьяларининг малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш мақсадида, малакали ҳуқуқшуносларни судьялик лавозимига номзодлар захирасига тақлиф қилади. Жумладан:

1. Ийгирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камидан уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон фуқароси фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят туманлараро судининг судьялиги лавозимига;
 2. Ийгирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камидан уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган, жумладан, қонда тарихасида судья бўлиб ишлаган Ўзбекистон фуқароси фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят туманлараро судларининг раислиги лавозимига;
 3. Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камидан беш йиллик иш стажига эга бўлган, жумладан, қонда тарихасида судья бўлиб камидан икки йил ишлаган Ўзбекистон фуқароси фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судьялиги лавозимига тақлиф этилади;
 4. Бундан ташқари, ҳозир фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят Сирдарё туманлараро судининг раислиги ҳамда судьялиги, Гулистон туманлараро судининг судьялигига бўш ўринлар мавжуд.
- Ушбу вакант ўринларга ўтиш ҳамда захирасига туриш истагини билдирган малакали ҳуқуқшунослар фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари судьялари малака ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари талаб қилинади:
1. Сурвонма.
 2. Таржима ҳол.
 3. Иш жойидан тавсифнома.
 4. Диллом нусхаси (нотариал тасдиқланган ҳолда).
 5. Паспорт нусхаси.
 6. Меҳнат дафтари нусхаси (иш жойидан тасдиқланган ҳолда).
7. 2 та фотосурат (3x4 ўлчамда).
- Қўшимча маълумотларни Гулистон шаҳри Ўзбекистон кўчаси 68-уй — фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг биносига ташриф буюриб ёки 8-3762-27-69-00 рақамига қўнғорқ қилиб билиб олишингиз мумкин.

куни улар билан семинар-машғулотлар олиб борилмоқда. Малака ҳайъати томонидан захирадаги номзодларга ёрдам бериши мақсадида, вилоят ҳамда туманлараро судларда ҳайъат аъзолари раҳбарлигида амалиётни ўташ белгиланган бўлиб, захирадаги номзодлар имконияти доирасида суд процессларида қатнашиб, судьялар ва суд ходимларининг фаолияти билан танишяпти. Бундан номзодларнинг билим савияси текширилиб, керакли тавсиялар берилмоқда. Шу билан бирга захирада бўлган ва илк бор фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг судьяси лавозимига тавсия этилаётган номзодларни қайта ўқитиш, малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларни Республика юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда уч ойлик махсус курсларда ўқитиш назарда тутилган. Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари судьялари малака ҳайъати томонидан захирадаги номзодларга ҳар бир бўш лавозим тўғрисида тақлифнома орқали хабар бериш ташкиллаштирилган. Захирадаги номзодларни бўш турган судьялик лавозимига тавсия этиш тўғрисидаги ҳулоса қабул қилингандан кейин уларнинг ҳужжатлари тўлиқлигига эътибор берилиб, муқобиллик асосида 15 кунлик муддат ичида олий малака комиссиясига қўйилмоқда. Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки, фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судлари судьялари малака ҳайъати томонидан қилинаётган ишларнинг барчаси судьялик лавозимига муносиб кадрларни излаш, қайта тайёрлаш ва жой-жойига қўйишга, номзодлар салоҳиятини муносиб баҳолашга қаратилган.

Х.МУЛЛАЖОНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг раиси

Миллий дастур — амалда

Деновда шундай коллеж бор



Денов хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида таҳсил олаётган 1620 нафар ўқувчи бухгалтерия иши, кинология, компютер тармоқлари монтажчиси ва таъмирловчиси, ёнилги мойлаш материаллари, тикувчилик ишлаб чиқариш, ёнғин хавфсизлиги, ахборот-кутубхона тизими, спорт мураббийси, темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш, сартарошлик ва декоратив косметика, машиш газ жиҳозларини таъмирлаш, радиотехника ва телеаппаратураларга, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўналишларида касб-хунар эгаллашмоқда. Уларга 49 нафар умумтаълим, 30 нафар махсус фанлар ўқитувчиси ва педагог муҳандислар сабоқ беришяпти.

2004 йилда ташкил этилган мазкур ўқув даргоҳи қисқа даврда воҳада ўзига хос нуфузга эга бўлди. Бу ерда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. 6 та хоржий тиллар, аниқ ва табиий, умумтехника, касбий таълим ҳамда шахсни ривожлантириш ва ижтимоий гуманитар фанлар кафедралари мавжуд. Ўқув хоналари, спорт зали Давлат таълим стандартлари талаблари асосида, шунингдек, 5 та лаборатория хонаси, тикувчилик ишлаб чиқариш, сартарошлик санъати ва декоратив косметика, радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ҳамда ишлатиш устаноналари Польша давлат кредити лойиҳаси бўйича жиҳозланган. Ўқувчилар энгил юк машинаси, ҳайдов тракторлари, гилдракли тракторларни бошқариб, ўқув амалиётини ўташади.

Айни пайтда, коллежнинг 1-босқичида 60 нафар, 2-босқичида 180 нафар, 3-босқичида 180 нафар ўқувчилар «В» ёки «В,С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш тадоригида. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтлари спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланишади. Баъзилари эса ахборот-ресурс марказининг ўқув хонасида китоб мутолаа билан банд бўлишади.

Бошқа туманлардан қатнаб ўқийдиган 50 нафар ўқувчи ётоқхона билан таъминланган. Кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига доимий гаҳмурий кўрсатилляпти. Чин етим ва ногирон ўқувчилар ҳар бир байрамда ҳомиёллар ва ўқитувчилар жамоаси томонидан алоҳида рағбатлантирилади. Жумладан, Динора Дадажонова, Юлдуз Султонова, Шаҳноза Алиқуллова, Гаҳвар Ҳўжанова каби ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланишган.

Муҳими, ўтган йили коллежни тугатган 420 нафар битирувчининг 70 фоизи иш билан таъминланди. Ҳозирда ўқувчилар туман нефт базиси, ҳунармандлар уюшмаси, «Гулнора» хусусий фирмаси ҳамда туман бандликка кўмаклашувчи марказ буюртмаларига асосан ўқитилмоқда. Демак, ўқувчилар учун эртага иш жойи тахт.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТАСИС доирасида «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик — 2» лойиҳаси бўйича иқтисод фани ўқитувчиси Шухрат Абдуллаев Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб, коллежлар тажрибасини алмашди. Грант асосида яна икки нафар ўқитувчи Берлин шаҳридаги коллежлар ҳаётини ўрганишмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

си. Даврада энгилгина кулгу кўтарилди, сабабини билиш учун секингина тоғамни туртиб сўрайман: — Туроб деганлари ким, у нима қилган? Тоғам саволимни эшитмайдими ёки чойдан олаётган хузурини бузгиси келмайдими, ҳар ҳолда жавоб бермайди. — Боланинг кўнглини қолдирмасдан айтиб берсанг-чи. — Ҳали ўтовда ашитади, ҳозир гурунгни бўлмасин. — Ухлаш учун ўтовга қайганимизда, бу хангомани билиб олдим. Туроб деганлари ҳам Даврон бободек бир отарда чўлиб бўлиб ишларкан. Неча бор дакии эшитса-да, қўли тинч турмас, нуқул ёнаётган гулҳанни тиктилаб ўтирар, оловни ўчириб тинчиркан. Бир кун унинг қилигидан безор бўлган шериклари қўл-оёғини боғлаб қўйишибди. Шунда у ётган жойидан кўзи билан имлаб: — Ҳой, анову кундани буюққа олиб қўй, унисини бунисининг устига бос, — деб ўргатган экан. Чўпонлар орасида «қўлинг қичганинг Туробни ур» деган гап ўша воқеадан сўнг айтиладиган бўлибди...

3. Гурунг мавзуси ўзгараверади, ҳеч кимнинг даврани тарк этгиси келмайди, кимдир киши билмас мизғиб ҳам олади. — Эшитганингиз бордир, Оғаниёз боболар замонида наслик қўнқорларга сабзи бериб боқилган экан, — дейди Аллак чўпон. — Сабзи нима бўпти, хом тухум ҳам ичиришган, — уни қувватлади Эгам чўпон. — Бўлмаган гап, шунча қўнқорга тухумни қайдан топишади, — эътироз билдирди ёшгина чўлиқ йигит. — Андабойнинг сурувидан олинган «чурри» (кулоғи кемтик) қўнқорни шундай боқилган, ундан олинган насли урчишиб ўзимизнинг ҳозирги довруги дoston «Помук» қоракўл терли навимизни яратилган. — Эҳ-ҳей, Оғаниёз, Нурқелди, Чори боболар ҳақиқий чорванинг пири бўлишган. Улардан қанча ўргансақ оз. — Тўра бобони ҳам зўр чўпон бўлган дейишади. — Қайси Тўра бобо? — Жузутик (Помукдаги маҳалла) Отақ ул ветврачнинг отаси. — Тажрибаларидан биронтасини эшитганимиз? — Эшитганда қандоқ, Тўра бобо қанча ем-хашак жамғарилса, сурувни қишлоқдан беталофат чиқариш мумкинлигини олдиндан айтиб беролган. — У киши ҳисобдон бўлганми? — Йўқ, бунинг учун оддийгина тажриба ўтказган, холос. — Ҳўш,ҳўш. — Қишлоқ олдиндан сурувдаги ўртаҳол қўй суйилиб, ичидан чиққан ёғни қовуртираркан. — Кейин-чи? — Қозонда ҳосил бўлган мойни оддий ёғон қошиқ билан эринмасдан ўлчаб кўраркан. Агар ёғ отмиш қошиқ чиқса, сурув шунча кунгача қўлдан емиш берилмас-да ҳас-чўп чайнаб кун кўраркан. — Қойил-эй. — Буниси ҳали ҳолва, Тўра бобонинг ўз оғзидан уч йил олдин сотган қўйининг кўзисини таниб, бахсда ўша кўзини ютиб олганини эшитганман.

...Чўпоннинг умргузарони қўйнинг изидан, уйда тақчиллик сезилса, биронта қўй ёки эчкини бозорга чиқаради. Кунлардан бир кун Тўра бобо ҳам хамқишлоқларидан бирга уч-тўрт қўй сотибди. Орадан уч йил ўтиб ўша киши бир гала қўзини онасидан айририб қишлоққа қайтаётганида, Тўра бобо сурув боқайтган жой устидан келиб қолибди. — Ҳа, қўзиларни бунча тез судан қисибсан? — Сотмоқчиман. — Ие, мендан олган мелха (оқ-сарик тусли) қўйнинг кўзисини ҳам айририбсан-да, лекин асл мол эди, ўстиришга қолдирсан бўларди. — Орадан шунча вақт ўтиб қўйни эмас, ундан турилган қўзини таниб олганингизга ишонгим келмаяпти, қайси бири? Тўра бобо қўзилар орасидан бирини ушлабди: — Мана шуниси. — Ҳақлигингизни қандай исботлайсиз? — Қўзиларни сурувга қайтарасан, қани шу қўзи қайси қўйнинг олдига бораркан. Иккови бахс бойлашибди, агар қўзи ўша қўйники бўлиб чиқса, уни Тўра бобо оладиган, агар бошқа бўлса, у тагин бир совлиқ берадиган бўлибди. Шундай қилиб Тўра чўпон ҳалол бахсда ютиб чиққан экан...

... — Енашиқ (бир яйловда ёна-ён) бўлиб ишлаганимда яна бир қизик воқеани Исмоил чўпоннинг чўлиғи айтиб берганди. Бир кун Исмоил чўпоннинг чўлиғи кўтарам бўлиб ўлган қўйнинг жасдини олиб келибди. — Бунинг кўзиси қани, — сўради бош чўпон. — Таниб ололмадим. — Бўлмаса шу қўзини топиб келсан, қўлдан сут бермасан, ўлиб қолади жонивор. — Ҳазиллашяпсанман, ака, қандай топаман, кўзида тил бўлса экан, «менинг онам йўқ», деб ёнимга келса. — Офтоб тиккага чиққанда сурувни тепалик ёнабгайга ҳайдайсан, қорни тўйган қўйлар ётиб, қўзичоқлар уйнашга тушади. Ҳамма қўзичоқлар диққатлаб, сакраб ўйнайди, аммо бириси чексада мунгайиб тураверади, шуну ушлаб келсанг адашмайсан, онасидан айрилган қўзи ўйнага қўйилмайди. Исмоил чўпон кўп йиллик тажрибаларига асосланиб, онасидан ажралган қўзини қандай аниқлашни шогирдларига шундай ўргатибди...

4. Чорвадор халқи қурғоқчил келган йилларни сира эсдан чиқармас экан. Негани, бундай кезда ундан бор тажриба, матонат ва тадбиркорлигини ишга солиш тақазо этилади. Кексаларнинг айтишича, 1948 йилнинг қишда қор туғул бирон мартаба ёлтириб ёғмир ҳам томчилмабди. Табиийки, баҳорда яйловлар қарқаб, қовжирган саҳрога менгазб қолибди. Шунда чорва тақдирдан ташвишланган вилоят раҳбарлари Бешент тумани ҳўжаликларига қарашли сурувларни Қизилқумга ҳайлашга қарор қилишди. Дастлаб у ердаги аҳолини ўрганиб қолиш учун тажрибали чорвадорлар Қизилқум яйловларига боришибди. Улар орасида помуклик селекционер чўпон Оғаниёз Жумақул ҳам бор экан. Сафардан қайтган Оғаниёз бобо олган таасуротларини ҳаммасларига гапириб берибди: — У ерда ҳам аҳоли ўзимизникидан пеш эмас, менимча, мавжуд ем-

хашакдан унумли фойдаланиб, шу ерда қолганимиз мақбул, — Тўғри, — уни маълумлабди тажрибали чўпон Чори Бегматов. — Муҳими, эсанкираб қолмай, оқилона иш тутсақ марра бизники, барибир қўйларимиз Қизилқумгача етиб боришга дош беролмайди. Бошқалар ҳам шу тақлифга қўшилибди. Чорваларлар ўз қарорларини калхўз раиси Жўра Собировга ётиги билан тушунтиришибди. — Мен-ку сизлардан чиқиб қаёққа бораман, лекин вилоятдагилар кўни-шармикин?

— Уларга мени кўндаланг қиласиз. Деярли ҳар кун калхўзга вилоятдан, тумандан вакиллар келиб, тезда сурувларни Қизилқумга ҳайдашни талаб қилишар, Жўра Собиров эса: — Оғаниёз ақани биласизлар, жуда қайсар одам, қанча гапирмай ўз билганидан қолмаяпти, — деб вазиятдан чиқаверибди. Шундай ташвишли кунларнинг бирисида Оғаниёз бобони вилоят марказига чақиртирибди. У шошилинч чақириб сабабини дафтатан аңглабди: «Яна Қизилқум масаласи эканлиғи тайин. Наҳот, менинг ўзбошимчилигимдан Миржамилнинг жаҳли чиққан бўлса, уни ишонтириш қўлимдан келармикин», бир пайлар қўлида амалиёт ўтаган талаба йигит, ҳозирда вилоят фирқа қўмитаси котибининг қиёфаси кўз ўнғидан ўтиб ҳавотирланибди.

Уйлаганича бўлиб чиқибди, ҳар доим уни қучоқ очиб қаршилайдиган котиб бу гал чехрасини очмабди: — Нега берилган топшириқни бажармаясиз? Бир ўзингизни доно деб билаяпсизми? Зардали муомала Оғаниёз бобони бироз шошилтириб қўйса-да, ҳаяжонини босиб, ўз фикрини баён этибди. — Демак, ўз билганингиздан қолмас экансиз-да. — Қизилқумда ҳам ўт-ўлан яхши битмабди. Барибир, чиқим бўлиши тайин. Фермада оз бўлса-да хашагимиз бор... — Сизингча, барибир чиқим бўлар экан-да, бироз қийналиш ёқмабди-да. — Йўқ, нега энди... — Қўйлар қирилиб кетса ким жавоб беради? Сўхбатдошининг муомаласидан тутаб турган Оғаниёз бобо дилига келганини тилига чиқарибди: — Мен жавоб бераман. — Катта жавобгарликни бўйингизга олаётганингизни биласизми? Бирон қор-ҳол рўй берса, мендан ёрдам кутиб ўтирманг.

— Агар йўл қўйган чикимимиз Қизилқумга кетган отарларникидан кўп бўлса, нима қилсангизлар розиман... Оғаниёз бобо вилоят марказидан қалби қувончга тўлиб қайтибди: — Ишонтирманг, қийналасанг-да қўйларни олисга ҳайдамайдиган бўлдики... Уша кунларнинг гувоҳи бўлганларнинг айтишича, Оғаниёз бобо шериклари билан эринмасдан мавжуд ем-хашакни кунларга тақсимлаб чиқиб, қатъий билан иш ўргатибди. Тўғри, «қўлдан берганга куш тўймас» дейишганидек фермада анча талафот қурилибди. Аммо бу чиқим Қизилқумга борганлар йўл қўйгани олдида денгиздан томчини эслатибди, холос. (Давоми бор)

Учрашув

— Ёқимли наво киши қалбига кучли таъсир этиб, уни эзгуликка ошно этади. Қолаверса, одамларни улуввор ишларга руҳлантиришда куй, оҳангнинг ўрни алоҳида. Мусиқа орқали бировга, айтилик, хайрли йўл бошида иккиланган турган кишига таъсир этиш мумкин, дейишади. Буни ҳаётда ўзингиз ҳам синаб кўрганми?

— Дарҳақиқат, мусиқа инсонга куч берувчи хусусиятга эга. Кўп ҳолларда унинг илоҳий сеҳри таъсирида руҳиятида туганмас қудрат ҳис этаман. Буюк композиторларнинг дурдона асарларини тинглаш ёки ижро этиш, янги мусиқий асар яратиш жараёнида ахиб туйғуларнинг асирига айланаман.

Табииий, ҳар қандай мусиқа бу гўзалликдан фақат ўзи завқланиб қолмасдан, бошқаларни ҳам баҳраманд этишга интилади. Истеъдоди, маҳорати орқали одамлар қалбига кириб боришни энг юксак бахт деб ҳисоблайди. Мен ҳам ўзбек киножодкорлари томонидан яратилган «Севги фарришаси» сериали ва болаларга бағишланган «Хикмат чироғи» фильми учун яратган мусикаларим мухлисларга манзур бўлганини эшитганимда, ниҳоятда севинганман. Бундан ташқари, Мўқимий номдаги мусиқали ва Ўзбек Миллий академик драма театралари билан ҳам ҳамкорлигимиз бор.

Айниқса, бир воқеа ҳеч эсимдан чиқ

этган мусиқачилардан бири «торли асбоблардан бирини зўр чала олишингизни сездим», дея эътироф этганиди. Ёшлигимда виолончель чалганим учун асаримда торли чолғуларнинг мусиқий матоси ижрочилар учун жуда қўлайлик туғдирган бўлса керак.

— Мусиқа соҳасига қизиқшингизга оилавий муҳитнинг таъсири бўлганми?
— Оиламизда ҳам, авлодимизда ҳам санъаткор бўлмаган. Фақат амакимининг дутор чалишга қизиқганини, гарчи яхши тушумаса ҳам репетитор ёрдамида нотага қараб фортепианони ўрганишга уринганини эслашди.

Онамнинг ораузи менинг мусиқачи бўлишимга сабаб бўлган. Онам кимё фани ўқитувчиси бўлса-да, мусиқани жон-дилдан севган. Болалигимиздан юрагимизда санъатга муҳаббат уйғотганлар. Жуда яхши эслайман, болалигимда ҳар кеч «Баҳор» ансамбли концертларини телевизор орқали томоша қилардик. Санъаткорларнинг ижросини ниҳоятда хайратланиб кузатганларим ёдимда. Кейинчалик Глиэр мидаги мусиқа мактабиде таҳси олдим. 6-синфда ўқитганимда ил мусиқа асарини ёзганман. 1992 йилда Қозғистонда бўлиб ўтган Ёш ижрочилар халқаро танловида 2-ўринга сазовор бўлдим. Консерваторияда эса бастакорлик бўйича профессор Аваз Ман-

маси ҳақида шу фикрни айтиш мумкин.
— Ёш бастакорлардан кимларнинг ижоди сизни қониқтиради?

— Азиз Ҳасанов яратган кўшиқлар ҳақида яхши фикр айтиш мумкин. Шунингдек, истеъдодли бастакор Азиз Холмуродов Насиба Абдуллаева ижро этган кўпгина кўшиқлар муаллифи ҳисобланади. Бундан ташқари, Хуршида Ҳасанова, Дилноза Зокирова маҳорати билан танилган. Кино ва театр соҳасида мусиқа яратиш бўйича эса Артём Ким ижодини алоҳида қадрлайман.

— Ижодингизда шарқона оҳанглар қай даражада ўрин тутаяди?

— Вужуд-вужудимга сингиб кетган, десам хато бўлмайди. Кўпроқ миллий куйларимиз асосида мусиқий композициялар яратаман. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган консерваториянинг янги биноси очилиш маросими муносабати билан шундай асар ёзгандим. Фортепианода икки нафар ижрочи жўрлигида «Чаманда гул» — «Ер-ё» — «Олмача-аноринга балли» — «Лазги» — «Чаманда гул» тарзида яратилган ушбу композициям юқори эътироф этилди. Дастлаб Ўзбек халқ чолғулари оркестри томонидан ижро этилиши учун мослаштирадим. Кейин Камер оркестр учун тайёрладим. Кўп ўтмай Симфоник оркестрдан ҳам шундай таклиф бўлди. Бу йўналишда яна кўп асарлар ёзганман.

— Қайси мусиқани ўзингиз севиб ижро этасиз?

— Жаҳон классик мусикаларини ижро этишдан чексиз завқ туяман. Классицизм даври буюк композиторлари Моцарт, Бетховен, Бах, романтизм асосчилари Шопен, Лист, Шуберт асарлари менда хайрат уйғотди.

— Неча хил мусиқа асбобиде куй ижро этасиз?

— Фортепиано, виолончель, рубоб, дуторни чала оламан. Бошқа мусиқа асбобларига ёндашганда эса мусиқий тафаккуримга сўзнаман.

— Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабаларга сабоқ берасиз. Уларнинг ҳақиқий мусиқачи бўлиб шаклланиши учун нималарга аҳамият бериш керак деб

ўйлайсиз?

— Биринчи ўринда уларнинг профессионал кўникмаларини шакллантириш лозим. Назарий билимларини мустаҳкамлаш шарт. Ҳозир сифатсиз, яроқсиз мусиқалар кўпайиб кетди. Бўлғуси мусиқачиларимизни ана шундай «мажсул»лардан узоқда тутишга ҳаракат қиламиз. Чунки бу уларни чалғитади, қолаверса, бундай мусиқаларнинг таъсири шаклланиш улғурмаган ёшлар учун беиз кетмайди. Бирде эмас-бирде, тўсатдан асорати пайдо бўлиб қолиши мумкин. Натيجада, шунча меҳнатимиз йўққа чиқиши ҳеч гапмас. Имкон қадар талабаларнинг тоза нарсаларини эшитиб тарбияланиши учун ҳаракат қиламиз. Ёшларнинг мусиқий тарбиясини қатъий назорат қиламиз.

— «Нихол» мукофоти соҳибларини аниқлаш бўйича кенгаш аъзоси ҳисобланасиз. Айтинг-чи, истеъдодларни баҳолаш борасида қандай мезонларга сўзнамиз?

— Маълумки, «Нихол» кўп йиллардан буюн юртимизнинг олис-олис чеккаларида туғилган истеъдодларни кашф этишга ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда мукофотнинг бу йилги қолибларини аниқлаш бўйича ҳудудий босқичлар бўлиб ўтди. Уларда қатнашиб, ёшларимиз орасида ноёб истеъдодлар кўп эканлигига амин бўлдим. Фақат уларни излаб топиш керак. Мисол учун, кўни-кеча Наманган вилоятида бўлиб, ана шундай ёшлардан бирини учратдим. Ваҳоланки, унинг юксак мусиқий қобилиятга эга эканлигини у ердангилар билишмайдилар. «Нихол» мукофотининг берилишидан махсуд бу каби истеъдодларни юзага чиқариш, қўллаб-қувватлашдир.

Сўхбатдош:
Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Ishonch» мухбири

«Мусиқа — ҳаётим мазмуни..»



Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, истеъдодли пианиночи ва композитор Ойдин АБДУЛЛАЕВА билан сўхбат

майд. Анча йиллар олдин қўчада кетаётсам, бир аёл мен билан жуда куюк сўрашиб кетди. Қайси танишим экан деб бошим қотиб турганда, Миллий театрда қўйилган «Осмоннинг бағри кенг» спектаклида ижро этилган мусикамдан жуда каттиқ таъсирланганини, бу мураккаб ҳолатда бўлган руҳий аҳолини тиклаб олишга катта ёрдам берганини айтиб қолди. Шунда куй-навонинг бекиёс кучга эга эканлигини янаям теран англаганман.

— Сокин янграб турган мусиқа бирдан шиддатли тус олади. Бироздан сўнг яна маҳзун оҳанглар ўзанига қўйилади. Денгизнинг гоҳ тинч, гоҳ пишиқиб мавжланишини эслатади бу. Ана шундай мураккаб ижрони амалга ошириш мусиқачидан катта маҳорат талаб этса керак.

— Ўқув даргоҳида бўлажак актёрларга рол ижро этаётганда инсон ҳис-туйғуларини қандай ифодалаш ўргатилади. Маҳорат мактаби мусиқий таълим муассасалари ҳам бундан мустано эмас. Мусиқа мактабиде виолончель сози бўйича таҳсил олганман. Уша пайтлардаёқ устозим Озод Акбаров ижро маҳорати билан бир қаторда мусиқий образ устида ҳам кўп ишлашни маслаҳат берадилар.

— Сиз истеъдодли композитор бўлиш билан бирга яхши мусиқа ижросини ҳам ҳисобланасиз. Албатта, юксак истеъдод ва машаққатли меҳнатсиз бунга эришиб бўлмайди. Композитор маҳоратли ижрочи бўлиши шартми?

— Шарт. Чунки композитор мусиқа асари яратишдан олдин ижро имкониятлари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиши керак. Бунинг учун мусиқа асбоби билан ишлашнинг сир-синаовларини чуқур эгаллаш талаб этилади. Ҳар қандай чолғу қонунчилигини мукаммал ўзлаштирмаган композитор яхши асар ярата олмайди.

Консерваторияни битираётганимда диплом иши учун ёзган симфониямни ижро

суров қўл остида маҳоратимни ўстирдим. Шундай қилиб, мусиқа ҳаётим мазмунига айланиб қолди.

— Бугунги кунда ўзбек эстрада кўшиқчилиги ҳақида танқидий мулоҳазалар ҳам билдириляпти. Бу гаплар кўпинча хонанда ёки кўшиқ матни муаллифига қарата айтади. Бундай кўшиқларда композитор маҳоратини қандай баҳолайсиз?

— Аслида, композитор деган номга эришиш жуда катта билим ва меҳнатни талаб этади. Умуман, композиторлик ва бастакорлик ҳам бир-биридан фарқ қилади. Композитор жаҳон классик мусиқаси йўналишида ижод қилса, бастакор миллий мусиқалар асосида куй басталайди. Мисол учун, Ўзбекистон халқ артисти Абдуқошим Исмоилов бастакор ҳисобланади. Шу боис, Абдуқошим акадан жаҳон классик мусиқаси йўналишида асар яратишини сўраш мантиқсизлик бўлади.

Бугун эса мусиқа илмидан яхши хабардор бўлмай туриб, ўзини «бастакор» деб атаётганлар, «кўшиқ» яратётганлар кўпайиб кетди. Баъзиларини биламан, ўқишни эпловмай, консерваторияни ташлаб кетишган. Ҳатто мусикадан бир соат ҳам таълим олмаган, бутунлай бошқа касб бўйича ўқиб, компютерда ҳар хил куйларни бир-бирига улаб «кўшиқ» ёзаётганларга гувоҳ бўляпмиз. Бундай ҳолатлар кишини беихтиёр ранжитади. Ахир қанча машҳур мусиқаларни яратган Игорь Крутой асл касби пианиночи бўлганлиги боис, энди ёши 60 га яқинлашган чоғидагина «композитор» деб тан олина бошлади.

Энг қизиғи, бундай «чиқинди» мусиқалар «FM» радиолари, телеканалларда тўхтовсиз айланаяпти. Айниқса, «Альо FM» радиосида берилётган куй-кўшиқларнинг деярли ҳам-

Сирдарё меҳмонларни кутмоқда



(Боши 1-бетда)

Гулистон давлат университети мусобақада энг кўп спортчиларни қабул қиладиган маскан ҳисобланади. У ерда бўлганимизда ошхона, ётоқхона, спорт заллари, тиббиёт хоналари янги-янги жиҳозланганини кўрдик. Ётоқхоналарни айланар экан, ҳамроҳимиз Олимжон ота Исоев хайратини яширолмади:


— Меҳмонхона бўлса, шунчалик бўлар-да. Телевизор, магнитофонлар, болаларбоп бадиий фильмлар... Ювиниш, кийиниш хоналарини айтмайсизми?! Университетнинг мажлис залларида «Умид ниҳоллари»нинг шахмат ўйинлари ўтади. Бахсаларни бошлашга барча нараса тахт қилинган.

Илмий-амалий музейда эса ўн мингдан ошқ эконат бўлиб, улар меҳмонларга Сирдарёнинг тарихини сўзлайди. Шаҳарда кенг қўламли кўкчаларда шашма ва обдонлаштириш ишлари олиб бориладиган Масалан, Гулистон қурилиш касб-хунар коллежиде 46.400 гул ва дарахт кўчати экилибди.

Коллеж спорт залида шугулланаётган вилеят стол тенниси терма жамоаси аъзоларининг шашти баланд. Ёш спортчи Адам Сирожиддиновнинг сўзларига эътибор беринг:

— Мирзабод туманидаги 13-ўрта мактабнинг 8-синфиде ўқийман. 2006 йили Қаршида ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақасида 6-ўринни олгандим. Бу йилги мусобақадан умидимиз катта. Шу боис мураббийимиз Мухтор Саидқулов билан астойдил машқ қилаёلمиз. Жамоадорларим Илхом Иномжон, Азиза Эгамбердиева ва Гулноза Хотамова билан ишончли оқлашга интиламиз.

Гулистон шаҳридаги 1-академик лицейнинг таъмирланишига Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси хомийлик



Ҳуқуқий маслаҳатлар учун касба уюшма органларидаги ишонч телефонларнинг рақамлари

№/р	Марказий Кенгашлар	Манзили	Телефон рақамлари
1.	Авиаходимлар касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри Содиқ Толипов кўчаси 1-уй	140-45-51 140-45-52
2.	Автомобиль, дарё ва электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-20-83 256-20-84
3.	Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-52-85 256-78-48
4.	Алоқа ходимлари касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	252-28-48 256-56-85
5.	Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-54-78 256-54-69
6.	Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри-100, Бобур кўчаси 45-уй	281-51-83
7.	Ёқилиш-энергетика комплекс, кимё ва геология ходимлари касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-060, Тарас Шевченко кўчаси 11а-уй	256-02-15 256-14-18
8.	Маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 30-уй	244-37-48 244-12-86
9.	Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-57-67 256-72-79
10.	Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-21-47 256-21-48
11.	Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-86-73
12.	Темирйўлчилар ва транспорт қурилиш ходимлари касба уюшмаси МК	Тошкент шаҳри-060, Тарас Шевченко кўчаси 7-уй	237-93-03 238-85-84
13.	Таълим ва Фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	256-70-32 256-14-57
14.	Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати касба уюшмаси Марказий кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	252-11-53

Қорақалпоғистон Республикаси, вилеятлар ва Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари бўйича

1.	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	(8 371) 256-48-81
2.	Андижон вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Андижон шаҳри, Навоий шох кўчаси 32-уй	(8 374) 225-53-50 224-56-42
3.	Бухоро вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси 3-уй	(8 365) 223-97-69 223-51-15
4.	Жиззах вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шох кўчаси 14-уй	(8 372) 226-30-51 226-09-34
5.	Навоий вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Навоий шаҳри, Мейморлар кўчаси 33-уй	(8 436) 226-01-15 226-02-03
6.	Наманган вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй	(8 369) 226-85-
7.	Самарқанд вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Самарқанд шаҳри-157 Кўксарой майдони 2-уй	(8 366) 235-46-40
8.	Сирдарё вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Гулистон шаҳар-120 Мустақиллик — 60-уй	(8 367) 225-14-02 225-18-41
9.	Сурхондарё вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Термиз шаҳри 732008 Ф.Хўжаев кўчаси 17-уй	(8 376) 223-16-61
10.	Тошкент вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	(8 371) 256-64-67
11.	Тошкент шаҳри касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Тошкент шаҳри-165, Бухоро кўчаси 24-уй	(8 371) 252-34-12
12.	Фарғона вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Фарғона шаҳри, Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси 7-уй	(8 373) 224-80-16 224-58-97
13.	Қашқадарё вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Қарши шаҳри, 730008 Ўзбекистон кўчаси 243-уй	(8 375) 225-08-84 225-22-65
14.	Хоразм вилеяти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Урганч шаҳри-220100 А.Баҳодирхон 182-уй	(8 362) 226-44-66
15.	Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши	Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси 120-уй	(8 361) 222-97-16



Muassis:

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Bosh muharrir:

Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari).

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib).

Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-03-90

Manzillimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

T.Sherneyev

Navbatchi:

A. Abdullayev

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Тijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 03.45

Буюртма Г — 461

18410 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6